O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ* معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 14 ноябрь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 90 (7389)

Da'vat

Кимки ўзининг маънавий қувватидан фойдаланмаса, бу қувват уни тарк этади.

Янис РАЙНИС

Ibrat

Тошкент давлат мусиқа коллежига Мехико шаҳрида фаолият юритадиган "Олтин қуёш белгиси" қўмитасидан табрик мактуби келди. Унда айтилишича, ўқув жараёнининг яхши йўлга қўйилгани боис, коллеж мазкур қўмитанинг нуфузли "Олтин қуёш белгиси-2001" мукофотига лойиқ деб топилган.





ҚИЗИЛТЕПАДА ЯНГИ МАКТАБ

Мамлакатимиз мустақиллиги йилларида Қизилтепа туманида кўплаб қурилиш ва ободончилик ишлари амалга оширилди. Жумладан, "Деҳқонобод" ширкат хўжалиги ҳудудида барпо этилган "Зарафшон" номли умумтаълим мактаби биноси ана шулардан биридир.

320 ўқувчига мўлжалланган ушбу мактаб биноси барча замонавий қулайликларга эга.

Суратларда: 1. Қизилтепа туманидаги "Деҳқонобод" ширкат хўжалигида жойлашган "Зарафшон" номли умумтаълим мактаби биноси.

2. 4-синф ўқувчиси Дилдора Нуруллаева мактабда аъло баҳоларга ўқийди.

3. Мактабда дарс жараёни.

Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар.

ОГОҲЛИК БИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

Munosabat

XX асрга келиб, анчамунча тараққиёт йўлини босиб ўтган инсоният ақлга сиғмайдиган даражадаги улкан муваффақиятларга эришиш билан бирга ўта кескин, жиддий ва айни вақтда глобал миқёсидаги қийинчиликларга ҳам дуч келди. Очарчиликлар, иқтисодий бухронлар, Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушлари, совуқ уруш, экологик инқирозлар, ОИТС ва гиёҳвандлик... каби миллионлаб оилаларнинг ёстиғини қуритган муаммолар шулар жумласидандир. Ортда қолган мингйилликнинг сўнгги асри ана шундай вазиятда якун топди. Янги асрда эса башарият олдида эндиликда халқаро миқёсга чиққан терроризм хавфини зудлик билан бартараф этиш масаласи турибди. У чегара билмайди. У миллат танламайди. У ҳеч кимни истисно қилмайди. Шундай экан, бу очиқ ҳақиқатни ўз вақтида англаб етишимиз ва терроризмга қарши курашда қўлимиздаги барча кучларни ишга солишимиз лозим.

Айниқса, эндигина умумий ўрта мактабни тамомлаб, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими босқичида таҳсил олаётган, яъни айни ривожланиш ва дунёқарашнинг шаклланиш палласида бўлган ёшларимизни асло эътибордан четда қолдирмаслик керак.

Бу борада турли фанлар, хусусан, ижтимоий-гуманитар фанлар — тарих, ҳуқуқшунослик миллий истиқлол ғоясига оид фанлар, она тили ва адабиёти фани ўқитувчилари томонидан жонбозлик ва фидойилик кўрсатилиши ўта муҳим аҳамиятга эга. Масалан, ҳуқуқшунослик фанидан жиноят ҳуқуқи мавзулари ўтилаётганда ўқитувчи 5 дақиқа вақт ажратиб, террорчилик ва у билан боғлиқ жиноятлар ҳамда уларга нисбатан Ўзбекистон қонунчилигида белгиланган жазолар ҳақида нисбатан кўпроқ тўхталса, қанчадан-қанча фарзандларимизнинг қалбида терроризм, қотиллик каби жиноятларга нафрат уйғонади.

Бу борада, хусусан, бизнинг коллежимизда ҳам таълимий, маърифий, ижтимоий чоралар кўрилмоқда. Жумладан, ҳар куни эрталабки йиғинларда айтилаётган фикрлар, турли тадбирлар, махсус учрашувлар, коллежимиз талабаларининг ўзлари томонидан чиқарилаётган деворий газеталар, албатта, ўз самарасини беради, деб ишонаман. Яна шу нарсага аминманки, Ўзбекистон раҳбарияти бошчилигида олиб борилаётган терроризмга қарши кураш жараёни бутун ер юзини бу иллатдан халос этишга ҳам муносиб ҳисса бўлиб қўшилажак.

Анвар ЖАЛОЛОВ,
Қўрғонтепа қурилиш касб-ҳунар коллежи директори

Xushxabar

ЗАМОНАВИЙ ЎҚУВЧИЛАРГА БИНОЛАР

Республика Халқ таълими вазирлиги Ҳазорасп тумани халқ таълими бўлимига бюджетдан ташқари 21 миллион 916 минг сўм пул ажратиб берди. Бу маблағ тумандаги 7 та мактабни мукаммал таъмирлаш учун ишлатилди. Ҳозирги кунда 3 та эски бино ўрнига янги замонавий мактаб бинолари қуриш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда.

—Туманда 68 та умумтаълим мактаби фаолият кўрсатмоқда. Шулардан 56 таси ўрта, 8 таси таянч, 1 таси бошланғич мактаблардир. Шунингдек, 2 та лицей ва 1 та ихтисослаштирилган мактаб ишлаб турибди, — деди туман халқ таълими бўлими мудири Шофар малакали ўқитувчилар билим беришаяпти.

Дарҳақиқат, ўтган ўқув йилида туман педагоглари вилоятда ўтказилган қатор тадбирларда муваффақиятли иштирок этишди. "Йил ўқитувчиси", "Йил тарбиячиси", "Ноёб кўргазмали қўлланмалар" кўрик-танловида 2-ўринни эгаллаган ўқувчилар. Иқтидорли болалар лицейининг 3 нафар ўқувчиси Республика сиртқи телевизион олипиадаси голиби, 1 нафар ўқувчи Зулфия номидаги Республика Давлат мукофотига номзод бўлдилар.

Туманда Ойбек номидаги ўрта мактабнинг эса 70 йиллик тўйи ўтказилди. Ҳомийлар мактабга компьютер ва телевизор совға қилдилар. Туман ҳокимлиги ушбу сана муносабати билан ўтказилган спорт марафони голибларига қимматбаҳо совғалар топширди.

Ҳазорасп ўзининг ўтмиши билан ҳам машҳурдир. Ҳазорасп қалъаси бой тарихга эга бўлиб, ҳозирги кунда қалъа атрофини ободонлаштириш ва қайта тиклаш ишлари амалга оширилмоқда. Бу ёшлар онгида миллий истиқлол ғоясини сингдиришда катта мактаб бўлади.

"Туркистон-пресс"

Янги мақом имкониятларни кенгайтирди 2-бет

Yahoo! — ахборот манбаи 3-бет

Yangi alifboni o'rganamiz 3-бет

Меъёр билмас ўйинлар 4-бет

МУОМАЛАМИЗ — ЮЗИМИЗ

Fikr

Биз ёшлар ҳам, ўрта ва катта ёшлилар ҳам назаримда жуда хунук хатога йўл қўяётгандаймиз. Бу ҳам бўлса жамики иллатларимиз борми, гўзал фазилатларимиз борми уларнинг барчасининг оқибатини замонага йўйиб қўйиш. Кўп гувоҳи бўламан, агар бирон-бир тенгдошим хорижий давлатга бориб билим олиб келса ёки мукаммал информацион техник воситалар билан бемалол ишлай олса, бунга қарата "замондан ўргилай" деб қўйишади. Ва, аксинча, бошқа тенгдошларим беҳаё ҳаракатлар қилиб, оғзига сигаретани қистириб олганича қоғозга тушириб бўлмайдиган сўзлар билан муомалага киришса ҳам "замондан ўргилай" дея заҳарханда киноя билан муносабат билдирилади. Энг ачинарлиси, шу каби жамиятдаги кўплаб масалалар борасида ҳам "замона зайли экан-да" деб ўзимизни тинчлантирамиз. Менимча, бу аслида бир-биримизни кўр-кўрона алдашнинг қулай усули. Ушбу аччиқ, аммо бор нарсаларни қоралашимга асосан ўзим қатори баъзи ёшларда муомала маданиятининг пастлиги сабаб бўлди. Мана, ҳар куни кўчада, бозорда, транспортда юрганимизда ёш-йигит қизлар суҳбатларига қулоқ тутадиган бўлсак, айримлари жуда қўпол сўзларни ишлатишади. Ҳатто яхши гаплари орасида ҳам ўзлари билмаган ҳолда ёмон сўзларни ишлатиб юборишади. Ўзларига яраша билими, дунёқараши бор тенгдошларим озорланишмасину, лекин шундайлар ҳам орамизда кўплаб топилади.

Ҳатто ўқув юртларининг талабалари ичида ҳам шундай "касаллик"ка чалинганлар салмоқлигина. Ахир, талаба халқи ҳам жамиятнинг олди қатлами саналади-ку. Шуни айтсалар керакда ўқиб уқмаса бекор деб.

Буюк Британиянинг Оксфорд Университетида иқтисодий соҳа бўйича бакалаврлик таълимини олиб қайтган дўстим билан гаплаша туриб, гап орасида англиялик ёшларнинг муомала маданияти ҳақида сўрадим. У эса жавобни мухтасар қилиб, рўпарамизда ўқув биносини ларзага келтириб сўкинаётган уч йигитга қаради-да, "ҳар ҳолда шу кабиларни учратмадим" деб қўя қолди.

Маданият, илм, фанни Шарқдан ўрганган бу каби давлатлардаги юқори маданият, муомалага энди биз ҳавас билан қараяпмиз. Ўзлигимиз, қадриятларимиз, гўзал шарқона анъаналаримизни қонқонимизгача сингдириб юбориш пайти аллақачон келди-ку! Бунинг учун замонни айблаб қўл қовуштириб ўтиришимиз керакмас. Қаттиқроқ айтадиган бўлсак, ҳар бир инсон ўзини англаб етса, бу масалага замон, давр дахлдор ёхуд айбдор бўла олмайди.

Юртбошимиз "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус гуруҳи билан учрашувда сўзлаган нутқларида бизларни муҳим ҳаракатга чорлади: "Ташаббус ёшларнинг ўзидан чиқсин".

Агарда биз ўзимиз ёшлар орасида хушмуомалалик бобида социологик тадқиқотлар ўтказиб, анкета варақчалари тўлдириб, мавзуга мос тарзда сўров-маслаҳат ўйинлари ташкил қилсак, шубҳасиз, ушбу иллат илдизига болта урган бўламиз. Бунга биз ёшлардан масъулият ва ҳафсала талаб этилади, холос. Ҳаракат ва ташаббусларимизни амалга оширишга эса, имконият ҳам, салоҳият ҳам етарли. Шарт эмаску, ҳар бир ишни амалга ошириш учун махсус кўрсатма ёки қарор кутиш.

Бу мулоҳазаларимни насиҳатгўйликдан йироқ тутган ҳолда айтмоқчиманки, бугун биз ёшларга ишонч билан кўз тикилаётган экан, бунга лойиқ ва муносиб бўлишимиз керак. Зеро, буюк келажакка интилаётган бир пайтимизда, бунга иқтисодий, сиёсий тараққиёт билан уйғун ҳолда маданий юксалиш орқалигина эришишимиз мумкин.

Маданий юксаклик ота-боболаримиздан мерос экан, уларни асраб-авайлаб, муомаламизни сийқалаштирмасдан тўғри талқин қилиш талаб этилади. Чунки муомала маданияти мавжуд умуммаданиятимизнинг бўлинмас, энг муҳим бир бўғини сифатида халқимиз учун қадрли ва ҳурматга сазовордир.

Насиба ЭРХОНОВА,
талаба

Obuna — 2002

ЭЗГУЛИК МАҚСАДИДА

Инсон борки, маънавият, эзгуликка интилади. Айниқса, шу кунларда бола онгига боғча ёшиданоқ софлик, поклик, диёнат ҳақида тушунча берамиз.

Биз Тошкент шаҳрининг ёнгинасида яшаймиз. Бемалол бозор-ўчар дегандек, икки ҳатлаб шаҳарга тушиб чиқаверамиз. Баҳоли қудрат оддий ижодкор сифатида менга унча-мунча газета, журнал муҳарририятларига бош суқишга тўғри келади. Мактабимиз ўқитувчиларидан ташқари қишлоқдаги бошқа мактаблардан ҳам ўзимизнинг "Маърифат" газетамизнинг бир неча сонларидан топиб беришни илтимос қилишади.

Яқинда мактаб иши билан маънавият-маърифат ишлари бўйича директорлар йиғилишида қатнашдим. Мажбурий саноқсиз газета-журналларга обуна муддати, шарти қайта-қайта тушунтирилди. Албатта, мен ҳар бир эслатилаётган газета-журналларнинг обрўсини тўкиш, камситиш фикридан йироқман. "Ҳар ким ҳовуздан ўз челаги билан сув тортади" деган тушунчалар бор. Аммо "Маърифат" газетасини мен кўтариб борсам истаган мактабнинг истаган ўқитувчиси кўзига суртгандек талашади. Масалан, 3 ноябрда фан олимпиадалари тўғрисида Низом, 7 ноябрда "Ватан туйғуси" фани учун дастур, яна қанчадан-қанча жуда муҳим ҳужжатлар учун зир югурдик.

Хоҳлардимки, "Маърифат", ўқувчилар учун ягона Республика болалар газетаси "Тонг юлдузи", "Гулхан", "Ғунча" журналларини муҳтарам раҳбарларимиз биринчи галга қўйиш ҳақида бир ўйлаб кўришса эди. Аслида "Маърифат" ҳам тарғиб қилинади. Аммо бошқа газеталарнинг сони кўп бўлгач, ўқитувчилар 3 ёки 6 ойга гуруҳ бўлиб ёзилиш билан кифояланиб қолишади. Албатта, алоқа воситаси ходимлари ҳам ўз масъулиятлари тўғрисида жиддий ўйлаб кўрсалар ёмон бўлмасди.

Муҳайё ТЎЛАГАНОВА,
Янгийўл туман, "Тинчлик" жамоа хўжалиги 3-мактаб ўқитувчиси

ВОҚЕАЛАР СИЛСИЛАСИ

- Толиблар кучлари Қобулни бутунлай тарк этиб, жанубга чекинганлар. Афғонистон пойтахти ҳудудига кирган Шимолий иттифоқ жангчиларини маҳаллий аҳоли гуллар ҳамда "Толибларга ўлим" ҳайқириқлари билан кутиб олганлар.
- **Сўнгги кунлар давомида Шимолий иттифоқ қатор ҳал қилувчи ғалабаларга эришди. Ўтган жума куни муҳим стратегик шаҳар — Мозори Шариф забт этилгач, Афғонистон шимоли бутунлай, жумладан, Ҳирот ҳам улар қўлига ўтди. Мозори Шарифдаги каби Ҳиротда ҳам маҳаллий аҳоли, айниқса, аёллар толиблар томонидан киритилган чекловларнинг бекор қилинганини хурсандчилик билан қарши олишди.**
- Покистон ҳукумати Қобулни ҳеч бир алоҳида гуруҳ эгалламаслиги, шаҳарда қон тўкилмаслигидан умидвор эканлигини билдирди. Вашингтонда, Оқ уй Қобулдаги аҳвол ҳали тўла аниқ эмаслиги, келаётган хабарлар таҳлил қилинаётганлигини айтган. Шунингдек, Пентагон вакили Қобулдан толибларнинг чиқарилишини "ажойиб янгилик" деб атади.
- **"Американ Эйрлайнс" компаниясига тегишли Эйрбос-300 авиалайнери Нью-Йоркдаги Жон Кеннеди номидаги аэропортдан унча узоқ бўлмаган жойда ҳалокатга учраган. Доминикан республикасига қараб учаётган самолёт бортида 255 киши бўлиб, уларнинг барчаси ҳалок бўлганлар. Самолётнинг техник носозлик туфайли қулаб тушгани тахмин қилинаётган ҳолда, ҳодисанинг теракт туфайли содир бўлганлиги эҳтимолдан холи эмаслиги ҳам айтилмоқда.**

JUMLADA JAHON

- **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Япония Парламенти Вакиллар палатасининг депутати, таниқли сиёсий арбоб Нариаки Накаямани қабул қилиб, унинг мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётганлигини мамнуният билан таъкидлади.**
- **Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Жан Лемер раҳбарлигидаги делегация аъзоларининг Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари, макроиқтисодиёт ва статистика вазири Рустам Азимов билан бўлган учрашувида ЕТТБ томонидан Ўзбекистондаги турли лойиҳалар учун кредитлар ажратилиши борасидаги битимлар имзоланди.**
- **Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида Республика Пул-кредит сиёсати комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.**
- **Рейтер агентлигининг хабарига кўра ўзаро келишмовчиликлар сабабли Непал қироллиги оила аъзоларининг кўпчилиги қирол Айшвария ўғли шаҳзода Дипендра томонидан отиб ўлдирилгандан бир муддат сўнг Непал шаҳзодаси Прекшия авиа ҳалокатига учраб, у ва унинг кузатувчилари ҳалок бўлган.**
- **Исроил мудофаа вазири Беньямин Бен Элисезера мамлакат зобитларини Фаластин ҳудудидан олиб чиқиш амалиётларининг тўхтатилганлигини маълум қилиб, бундай қарорга келинишига террор ҳаракатларининг содир этилаётганлигини сабаб қилиб кўрсатган.**

Энди коллежга ўқувчилар ўз хоҳиш-истаклари билан келишмоқда.

Бунинг афзаллиги шундаки, малака оширилганлик тўғрисидаги маълумот узлуксиз олиниб, бир ёки икки йил ичида керакли малака поғонасига эришганлик ҳужжатларини олишга имкон тўғдиради.

ЯНГИ МАҚОМ ИМКОНИЯТЛАРНИ КЕНГАЙТИРДИ

Пойтахтимиздаги Зулфияхоним кўчасида жойлашган 83-уйни излаб, йўлдан адашдим. Куз сокинлиги чўккан узун, тор кўча жим-жит. Тахминан уч юз қадам нарида жуда секин одимлаб бораётган бир отахон кўринди. Хазонларни аямай эзғилаганча мўйсафидга етиб олдим-да, йўл сўрадим. Отахон манзилга қандай боришимни тушунтириб ўтирмади, йўлимиз бир экан, бу ёғига суҳбатлашиб бордик.

— Ўғлим, бу 83-уй деганинг бир пайтлар мен ўша ерда қоровул бўлиб ишлардим. Лабзак атрофида яшайдиган қитмир ўқувчиларни ҳар йили шу ерга олиб келишарди.

Собиқ 206-касб-ҳунар техника билим юртининг собиқ қоровули Мурод ота бизга бир таассуфли воқеани ҳикоя қилиб бердики, бу ҳикоя билим юртининг ўша даврдаги ҳаёти билан боғлиқ... Эшитсангиз, кулишингизни ҳам, куйишингизни ҳам билмайсиз.

— Лекин энди ўша кунларни эслаб, ғалати-ғалати сарғузаштларга ҳеч ишонгим келмайди, — дейди Мурод ота. — Анови дарвозадан (отахон 83-уйнинг дарвозасини кўрсатади) эрталаб саккиз бўлмай туриб чиройли кийинган йигит-қизларнинг қатор-қатор бўлиб киришларини кузатиб ўтираман. Бу ерда тартиб-интизом борга ўхшайди. Ҳамма нарса интизомдан бошланади-да, болам.

Аслида, отахон мана шу 83-уйда ўқиб кетганларнинг ҳеч бири тартиб-интизомни билмаган, демоқчи эмас, қолаверса, ҳунар-техника билим юртларини тугатиб, халқимизга ҳалол хизмат қилиб келаётган ҳунармандлар кўп. Ваҳоланки, қитмир ўқувчилар ҳозир ҳам истаганча топилади. Бироқ, тан олиш керак, бир пайтлар қисқагина қилиб "училище" деб юритилган ўқув муассасаларига аълочи, эсли-хушли болалар кўпам боравермаган. Ҳатто ўз ихтиёрлари билан ҳужжат топширган айрим ўқувчилар орасида тараллабедод қилиб юришни мақсад қилганлари ҳам топиларди. Бундай ҳоллар эса ўша даврда юритилган таълим сиёсатидаги жиддий камчиликлар билан изоҳланади.

Milliy dastur amalda

Хуллас, мустақиллик йилларида бошқа билим юртлари сингари 206-сонли ҳунар-техника билим юрти ҳам шакл ва мазмун жиҳатдан ислоҳ қилинди. Аниқроғи, 1996 йили 17-касб-ҳунар мактаби деб номланган мазкур ўқув даргоҳига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 12 июнь қарори билан коллеж мақоми берилди.

— "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда, — дейди коллеж директори Салоҳиддин Бобоқулов. — Авал ҳунар-техника билим юрти ҳисобланган коллежимизда ўқувчилар атиги иккиуч йўналишда ўқитилган. Билим юрти коллеж мақомини олгач, имкониятларимиз кенгайди. Биз биринчи навбатда меҳнат бозорини жиддий ўрғандик ҳамда ота-оналардан тушган талаб ва таклифларни ҳам инобатга олиб, яна беш йўналишда янги ихтисосликлар очдик. Бундан ташқари хоҳловчиларни "ВС" тоифали ҳайдовчилик гувоҳномасига ўқитиш учун кечки курсларни ташкил этдик. Бу коллежнинг иқтисодий базасини мустаҳкамлашга хизмат қилаяпти.

Мурод ота қоровуллик қилган даврларда бу ерга чиндан ҳам ўқувчиларни алдаб-суллаб олиб келишган. Аммо ҳозир буни тасаввур қилиш қийин. Энди коллежга ўқувчилар ўз хоҳиш-истаклари билан келишмоқда. Бу йил янги автотранспортларни ишлатиш ва таъмирлаш, давлат автоинспекциясининг маъмурий-ҳуқуқий фаолияти, юк ташишни ташкил этиш ва автомобилларни таъмирлаш, йиғиш,молия-иқтисод бўлимларига ўқувчилар қабул қилинди.

Коллеж талабаларининг соат 7.30 да эрталабки йиғилиш учун саф тортиб туришларини ёки ҳафтанинг муайян кунларида тарбиявий соат дарсларини ўтиши ҳақида гапириб ўтириш ортиқча. Ҳеч ким уларнинг билимлари, ҳулқ-атворлари ҳаминқадар эмасмикин, деб шубҳаланмайди. Чунки улар училищеда эмас, балки бутунлай янги даврда, замонавий ўқитиш услубларига асосланган касб-ҳунар коллежида таълим олмоқда. Келажакда улар ҳам мамлакатимиз иқтисодиётининг ишлаб чиқариш тизимларида самарали фаолият юритади, дея ният қилиб қоламиз.

Н.НАРЗУЛЛАЕВ

МУҲИМ ПОҒОНА

Malaka oshirish

Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ўқув ва техник фанлар таркибида услубий ўзгаришларни талаб этмоқда. Тизимнинг барча поғоналарида ўзгаришларнинг бошланиши, уларнинг ўрта махсус ва олий ўқув юртларида кечиши кўпчилик эътиборини жалб қилишини, айниқса, техника йўналишидаги олий ўқув юртлари таълимида кўриш мумкин. Ушбу поғоналарда тайёрланадиган малакали мутахассисларга хўжалик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш меҳнат бозорида эҳтиёж каттадир.

Мустақиллик йилларига назар ташласак, Ўзбекистон Республикасида хўжаликнинг қатор ишлаб чиқариш соҳаларига чет эл технологияларининг кириб келишини кузатиш мумкин. Машинасозлик, автомобилсозлик, тракторсозлик соҳалари шулар жумласидандир. Бу соҳаларни эҳтиёт қисмлар билан таъминловчи корхоналарда ҳам янги ишлаб чиқариш кучлари ишга туширилди.

Республика хўжалигининг катта қисмини ташкил этувчи қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам илгор технологиялар қўлланилмоқда. Масалан, сув тақсимлашдаги автоматлаштирилган тежамкор технологиялар шулар жумласидан.

Фан ва техника ривожланиши ўқитувчидан, биринчидан ўз билимларини изчиллик билан янгилаб туришини, ўз соҳасидаги илмий тадқиқотлардан хабардор бўлишни, уларни чуқур ўрганишни тақозо этади. Фан ва техника ривожланиши олинган билимларни ва амалий ахборотларни талабаларга етказиш ва тушунтира билиш дидактикаси биргаликда ривожланишини назарда тутади. Чунки янги техникани эскириб қолган педагогик воситалар билан ўргатиш, мутахассислар тайёрлашда яхши натижаларга эришишни таъминламайди. Учинчидан, ўқув жараёнига янгиликларни киритиш янгича йўлларни қидириш ва уларга эришиш йўларини талаб қилади.

Агар шу талаблар инобатга олинса, техника йўналишида юқори малакали педагог кадрлар тайёрлаш долзарб масалалар қаторидан ўрин эгаллаши шубҳасиздир. Техника йўналишидаги фанларни ўқитиш учун педагог кадрларни тайёрлаш ушбу бундай олий ўқув юртини битирган инженер-мутахассисларга таянган ҳолдагина олиб бориларди. Бу нафақат бизнинг таълим тизимимизга балки бутун мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг таълим тизимларига ҳам хосдир.

Албатта, олий ўқув юртлари ва малака ошириш муассасалари бу тартибни ўзгартириб, техника соҳасига юксак малакали кадрларни тайёрлаш тамойилларини амалга оширмоқда. Таълим тизимида бошланган ислоҳотлар мавжуд тартибга ўз таъсирини кўрсатиб, ижобий ўзгаришларга олиб келиши кутилмоқда. Инженер-педагогларнинг малака оширишида педагогика ва психологиядан ҳамда янги педагогик технологиялардан оладиган сабоқлар ўз самарасини кўрсатади. Тошкент Давлат техника университети қошидаги олий инженерлик педагогика институтининг бир қатор ўқитувчилари сўнгги уч йилда Исроил ва Голландия давлатларининг таълим тизимини ўрганиб, бевосита Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида бўлиб қайтишди. Маълумки, Голландия ва Исроил давлатларининг таълим тизими мутахассислар малакасини оширишда бой тажрибага эга. Бу соҳанинг ўта муҳимлигини билишса-да, Исроилда ўқитувчиларнинг мажбуран малакасини ошириш ягона мақсад қилиб олинган эмас. Малака ошириш тизими узлуксиз таълим тизимидаги бутун занжирнинг бир қисмига айланган. Фан ва техника ривожланиши инобатга олинган бўлиб, малака ошираётган ўқитувчи инженерлик лойиҳаларида қатнашиб, ўз билимини ошириш билан бир вақтда, амалий ишларни ҳам бажаради. Олинган билимлар натижаси экспертлар томонидан холисона баҳоланади.

Ўқитувчи малака ошириш жарёни учун пул тўлаб, керакли билимларни олиш имкониятига эга. Бунинг афзаллиги шундаки, малака оширилганлик тўғрисидаги маълумот узлуксиз олиниб, бир ёки икки йил ичида керакли малака поғонасига эришганлик ҳужжатларини олишга имкон тўғдиради. Демак, бу турдаги малака ошириш усули ўқитувчиларнинг лавозим поғонасидаги кўтарилишини, шу билан бирга ижтимоий мавқеи тезроқ яхшиланишини таъминлайди.

Шу ўринда мамлакатимизда таълим тизими ходимларининг малака оширишлари ва қайта тайёрлов курсларида ўқиши давлат ҳисобидан амалга оширилаётган бир паллада ушбу имкониятдан фойдаланиш учун ўқитувчидан биргина иштиёқ ва хоҳишнинг ўзигина етарли бўлади.

Жавдот САИДБЕКОВ,
доцент
С.АБДУРАҲИМОВ,
профессор
Абдукарим ХОЛБОЕВ,
доцент

Ma'rifat МАСЛАҲАТХОНАСИ

Қашқадарё вилояти Касби туманидаги 15-мактабнинг олий тоифали бошланғич синф ўқитувчиси Назирқул Ризоқуловдан

САВОЛ: Бошланғич синф ўқитувчисининг баъзи фан дарсларини 7-8 ўқитувчига бўлиб бериш тўғрими?

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги таълимдаги янгича мазмунли ривожлантиришни астойдил рағбатлантирмоқда,янги педагогик технологияларни жорий этиш учун тинимсиз изланишлар олиб борилмоқда. Ўқув режалари ва дастурлари етук олимлар, услубчилар томонидан республикадаги энг яхши ўқитувчилар билан бевосита ҳамкорликда яратилаяпти. Ашула ва мусиқа, жисмоний тарбия, тасвирий санъат каби фанлардан ўз мутахассислари дарс олиб борилишини таъминлаш Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг 1991 йил 2 декабрдаги № 03-1140 сонли "Кўрсатма хат"ида ҳам батафсил айтиб ўтилган ва барча вилоят халқ таълими бошқарма бўлимларига етказилган.

Бухоро шаҳри Жалол Икромий кўчаси 19-уйда яшовчи Моҳира Ишматовадан

САВОЛ:

Академик лицейда тарбиячи бўлиб ишлаяпман, иш ҳақини фақат мутахассис-тарбиячи сифатида тўлашар экан, мен эса 30 йилдан буён мактабда олий тоифали ўқитувчи бўлиб ишлаганман. Сиз олий тоифали ўқитувчисиз, олий тоифали тарбиячи эмассиз, дейишди. Бизларни ким аттестациядан ўтказади, шулар ҳақида маслаҳат берсангиз.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази ва Давлат Тест маркази томонидан ишлаб чиқилган ўрта махсус касб-ҳунар таълими педагогларини аттестациядан ўтказиш ҳақидаги Низом Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқлангач, саволингизга батафсил жавоб топасиз.

Й.АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси бош мутахассиси

Жомбой туманидаги 6-ўрта мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси Муродбек Пўлатов пенсияга чиққач, спортхона очди.

— Шаҳарликлар ҳар қадамда биллиардхона ва бошқа кўнгилочар жойлар очган, —дейди у "Туркистон-пресс" мухбирига. — Улардан қаеримиз кам, деб ўйладим ва шу ишга қўл урдим. Натижаси ёмон эмас, спортхонам ҳар куни болалар билан гавжум. Шахмат-шашка ва иккита столда биллиард ўйнашаяпти.

ҲАМ ҲУНАР, ҲАМ БИЛИМ

Умумий ўрта таълимнинг асосий вазифаларидан бири ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришдир. Бу борада мактабимизда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирда мактабда ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун 20 дан ортиқ тўгараклар ташкил этилган.

Мактабимиз биноси 1996-97 ўқув йилида ишга тушгач, мактаб атрофига 5000 туп терак кўчатлари ўтқаздик. Ҳозирда бу кўчатлар иморатбоп бўлиб вояга етди. Бу йил теракларни сотишдан 2-3 млн. сўм даромад қилишни кўзлаб турибмиз.

Шунингдек, мактаб худудидаги боғ ва экин майдонларидан ҳам самарали фойдаланишга интилаяпмиз. 0,15 гектар ерга сабзавот экинлари экилиб, мактаб ошхонасини бепул маҳсулотлар билан таъминлашга эришаяпмиз. 0,80 га. ерга шоли экиб, ҳар йили дурустгина даромад олмоқдамиз.

Мактабда тахсил олаётган ўқувчиларга ҳунар ўргатиш мақсадида шаҳримиздаги пайпоқ тўқиш фабрикаси билан келишиб 2 та дастгоҳ ўрнатдик. Бу иш самара бера бошлагач, дастгоҳлар сонини 10 та етказдик. Ҳозирги кунда ўнта дастгоҳда ўқувчиларимиз кунига 1000 донагача пайпоқ тўқишмоқда.

Асосий мақсадимиз маблағ кетидан қувиш эмас, ўқувчига билим бериш билан бирга уни касбга амалий йўналтириб боришдир. Ўқувчилар 9-синфни тамомлаганларидан сўнг бирор касб-ҳунар коллежига ёки шу каби ўқув юртларидан бирига боради. Шунинг учун маълум бир касбга ўқувчининг лаёқати бўлиши керак. Ана шу муносабат билан юқоридаги ишларни амалга оширмоқдамиз.

К.ХАЛИЛОВ,
Қорасув шаҳридаги 6-мактаб директори

ЎҚИТУВЧИНИНГ ТАШАББУСИ

Муродбек Пўлатовнинг айтишича, спортхонадан кунига уч-тўрт минг сўм пул тушаяпти, бунинг бир қисми тартиб-қоидага асосан солиққа кетаяпти. Аслида эса қишлоқда, пенсияга чиққач, қонун доирасида тадбиркорлик билан шуғулланишнинг ўзи катта гап.

Эътиборли томони шундаки, Муродбек Пўлатов ўз касбини бу ерда давом эттираяпти. Ёшларга шахмат-шашка сирларини, турли хил дебютларни ўргатмоқда.

— Инсонга нима оғир, биласизми? — дейди у. — Пенсияга чиққач, ҳеч кимга керак бўлмай қолиш. Бу ишим мени ана шу балодан қутқарди. Келгусида спортхонамни янада кенгайтирмоқчиман.

"Туркистон-пресс"

ТАРИХ ФАНИ ВА ОЛИМПИАДА

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги А.Икромов номли академик лицейи талабаларининг эрталабки анъанавий йиғилишида 5 ноябргача Тошкент шаҳар академик лицейларида ҳамма фанлардан олимпиада дастури асосида танлов кўриги бошланганлиги эълон қилинди.

Биз мазкур билим масканининг III босқич талабалари тарих ўқитувчимиз Турғун Тошпўлатов раҳбарлигида бу тадбирга ўқув йили бошидан тайёргарликни бошлаб юборганмиз.

Академик лицейимиз ижтимоий фанларни чуқур ўрганишга ихтисослашганлиги боис лицейимизнинг айниқса, битирувчи курсларида таҳсил олаётган Гулфира Бектемирова, Алишер Аҳмедов, Ойша Ҳожиева, Дилафрўз Толиббоева, Азим Баратохунов каби кўпгина талабалар лицейимизда бўлган дастлабки баҳсларда Ўзбекистон тарихи ва жаҳон тарихи фанларидан чуқур билимга эга эканликларини намоён этдилар.

Табиийки, академик лицейимизнинг битирувчи курс талабалари олдида турган асосий мақсад келгусида ижтимоий фанларга ихтисослашган олий ўқув юртларига кириб, ўқишни давом эттириш бўлганлиги учун ҳозирданоқ тарих фанидан мустаҳкам билим олишга ҳаракат қилмоқдалар. Бу борада тарих ўқитувчимиз Турғун аканинг бизга тизимли равишда бериб келаётган консултация ва йўл-йўриқларини алоҳида қайд этиш лозим. Гап шундаки, устоз бизнинг тарих фанидан фундаментал тайёргарлик кўришимиз учун биринчи галда тарих фанини чуқур ва атрофлича ўқиб-ўрганиб чиқиб, унга тайёргарлик кўриш жараёнида ҳар бир мавзу, воқеа ва ҳодисаларни келтириб чиқарган объектив ва субъектив сабаб ва жараёнларни илмий асосда баҳолаш, улардан таянч билим ва бош ғояларни англаб олишга алоҳида урғу беришни талаб этадилар. Устознинг яна бир талаблари, умуман тарихни ўрганишга интеграцион ёндошишдан иборатдир. Масалан, устоз "Мустақил Ўзбекистон давлатининг ташкил топиши" мавзусини ўтар экан Президентимиз Ислом Каримовнинг "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли" номли асарига, мустақил, миллий давлат қурилишида кейинчалик "Ўзбек модели" деб ном олган беш тамойил устида батафсил тўхталиб ўтар экан, биз талабаларни бу тамойилларнинг ишлаб чиқилишида жаҳон давлатчилиги тарихининг яратилиши билан муфассал таништиришга алоҳида эътибор берадилар.

Taraddud

Тарихни чуқур ўрганишда бизнинг академик лицейимизда талабалар орасида олиб борилаётган бундай ишлар табиийки, XXI асрнинг бошланиши билан сайёрамизнинг турли ҳудудларида юзага келаётган масалаларнинг туб моҳиятини, аниқ айтадиган бўлсак, уларни келтириб чиқарган тарихий илдизларини илмий асосда ўрганишимизга, тарих фанидан талабалар олимпиадаларига тайёргарлик кўриш билан бирга, Олий ўқув юртларига кириш учун ҳам пухта тайёргарлик кўришимиз, қолаверса, ўзимизнинг шахсий интеллектуал ривожланишимиз учун ҳаводек зарур талабга айланиб қолмоқда.

Раъно МАҲКАМОВА,
ЎзДЖТУ қошидаги хорижий тилларни чуқур ўргатишга ихтисослашган академик лицей талабаси

ЁШ ТЕХНИКЛАР ТУРНИРИ

Ҳамза тумани Қўшимча техник таълим мажмуида "Ёш конструктор", "Саҳна техникаси" тўгараклари фаолият кўрсатади. Яқинда техник тўгаракларга қатнашувчи ўқувчилар ўртасида "Ёш техниклар" танлови ўтказилди. Ушбу танлов беш турдан иборат бўлиб, унда тўгарак аъзоларининг топқирлиги, зукколиги ҳамда кутилмаган вазиятдан чиқиб кетишлари синаб кўрилди. Қизиқарлиси шуки, тадбирда ўғил болалар билан бирга қизлар тенгма-тенг беллашдилар.

Турлар ўртасида иштирокчилар ўз мусиқий чиқишлари, саҳна кўринишлари билан танловнинг яна ҳам қизиқарли бўлишига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Тажрибали тўгарак раҳбарларидан тузилган ҳайъат аъзолари, тўгараклар ўртасидаги беллашувни баҳолаш билан бирга қобилиятга эга бўлган алоҳида ўқувчиларни эътиборга олиб, кейинчалик уларни иқтидорли болалар анжуманига қатнашишга тавсия этдилар.

Г.МУСЛИМОВА,
Хамза тумани ҚТТМ услубиётчиси

Халқимизда ҳунар билан боғлиқ мақоллар, ривояту ҳикоятлар, эртаклару достонлар кўплаб учрайди. Қадимдан Бухоро ўз ҳунармандлари билан донг таратган. Тарихда Бухоро ҳунармандлари ва ҳунармандчилиги алоҳида аҳамият касб этган. Бугунги кунда эса Бухорода айни касб-ҳунар билан боғлиқ коллеж фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда ўқувчиларга халқ хўжалигида зарур бўлган бир қанча ҳунар ўргатилмоқда. Бу сабоқларни кунт билан тинглаётган талабалар, ажабмаски, замонавий ҳунармандчилигимизда ўзига хос бурилиш ясайди.

Суратда: Бухоро коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежи муҳандис-педагоги Раим Имомов II курс талабалари Азамат Ғуломов ва Рашид Равшановларга чилангарлик сирларини ўргатмоқда.

З.ҚУРБОНОВ олган сурат.

ТАЪЛИМ РАВНАҚИ ЙЎЛИДА

Сўнгги пайтларда таълим тизимида рўй бераётган ислоҳотлардан мамлакатимиздаги ҳеч бир таълим муассасаси четда қолаётгани йўқ. Хусусан, бу ўзгаришлар ва янгиланишларни Олтиариқ тумани халқ таълими фаолиятида ҳам яққол ҳис қилиш мумкин. Туман халқ таълими бўлими мудири Ҳотамжон Иброҳимов бу борада туманда олиб борилаётган бугунги ишлар ва эришилаётган натижалар хусусида сўзлаб берди.

Кейинги уч йил давомида туманда ўқув тарбиявий ишларимиз сифат жиҳатдан анча яхшиланди. Вилоят миқёсида умумий кўрсаткичлар бўйича туман халқ таълими бўлими 1998 йилдан буён фақат 1-ўринни эгаллаб келмоқда. Бу муваффақият, бу ютуқлар ўз-ўзидан келиб қолгани йўқ. Бунда албатта фарзандларимизга таълим-тарбия бериб келаётган педагог ходимларимизнинг ҳиссаси катта.

Туманда иқтидорли болалар билан ишлашда яхшигина тажриба тўпланди. Натижада туманимиз ўқувчиларидан 1998 йилда 154 нафар, 1999 йилда 255 нафар, 2000 йилда 374 нафари олий ўқув юртларининг талабалари бўлишди. Лекин бу борада ҳамма мактабларда ҳам талаблар даражасида иш ташкил этилди деб бўлмайди.

Ўтган давр мобайнида ўқувчи ёшларимизга фақатгина билим берибгина қолмай, уларга маънавий озуқа беришга ҳам катта аҳамият берилди. Президентимиз И.Каримовнинг "Ўзбекистон — буюк келажак сари", "Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда", "Ҳушёрликка даъват", "Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда" каби асарларини ўқувчилар онгига сингдириб боришга алоҳида эътибор берилмоқда.

2001-2002 ўқув йилида умумий таълим мактаблари ўқув режасига киритилган "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари", "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш" курслари муҳим аҳамиятга эга. Бу ўқув фанларини ўқитишни таъсирчан, юқори савияда йўлга қўйиш зарур. Бунинг учун бизда барча имкониятлар мавжуд. Ўтган давр мобайнида барча таълим муассасаларида "Маънавият хоналари" жиҳозланиб, ўқувчи ва ўқитувчиларга хизмат қилмоқда.

Барча таъим муассасаларида ойига икки маротаба маънавият ўқувлари ўтказилиши таъминланмоқда. Шунингдек, ҳар ҳафта душанба кунлари маънавият тонги ўтказилиб, бунда давлат мадҳияси айтилиб, байроқ кўтарилиши ташкил этилди ва шанба кунлари охирги дарс сўнгида байроқни тушириш билан дарсларни якунлаш одат тусига кирди.

Туманда ўқувчилар ўртасида "Давлатимиз рамзлари билимдонлари", "Президентимиз асарлари билимдонлари", "Ўзбекис-тон фарзандиман", "Улар доим қалбимизда", "Сиз тарихни биласизми?", "Сиз қонунни биласизми?", "Конституция—келажак пойдевори" кўрик-танловлари мунтазам ўтказилиб келинмоқда. Бу кўрик-танловларда вилоят миқёсида юқори ўринлар эгалланмоқда.

Jarayon

Туманимиз боғчалари ичида "Соғломжон-полвонжон" кўрик-танловида биринчиликни олган 2-боғча тарбияланувчилари вилоятда 1-ўрин, спорт фестивалида 25-умумий ўрта таълим мактаби жамоаси вилоятда 1-ўрин, "Ёш автоназоратчилар" кўрик-танловида 38-мактаб жамоаси республикада 1-ўрин, "Китобхон синф" кўрик-танловида 5-мактаб ўқувчилари республикада 1-ўринни эгаллади.

Таълим муассасаларининг барчасида туман ҳокимлиги, маънавият ва маърифат маркази, туман прокуратураси, туман ички ишлар бўлими, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман ташкилоти, "Соғлом авлод учун", "Экосан" жамғармалари, маданият бўлими билан биргаликда диний ақидапарастлик, жиноятчилик ва гиёҳвандликнинг олдини олиш бўйича йиғилишлар, суҳбатлар ўтказилиб, видеофильмлар намойиш этиб келинмоқда.

Янгиланиш жараёни халқ таълимига сармоядан ташқари маблағ ишлаб топиш заруратини юзага келтирди. Бунда энг аввало, мактабларда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, ишлаб топилган маблағларни муассасалар моддий-техника базасини мустаҳкамлашга жалб этиш биринчи навбатдаги вазифа қилиб қўйилган. Бу вазифани ҳал этишда туман ҳокимлигининг қарорига асосан бир қатор мактабларга ер майдонлари, ҳосилдор боғлар ажратиб берилди.

2000 йилнинг ўзида ажратиб берилган ер майдонлари ва боғлардан 6,5 миллион сум соф даромад олишга муваффақ бўлинди. Тумандаги 6, 15, 17, 18, 23, 32, 42-мактаб жамоалари ўз қарамоғидаги ер участкалари ва боғлардан 300 мингдан 1 миллион сўмгача даромад олишга эришдилар.

11-ўрта мактаб директори Шаҳобиддин Салоҳиддиновнинг саъй-ҳаракати туфайли Япония элчихонаси кўмагида мактаб тўлиқ ўқув жиҳозлари билан таъминланди. Бу мактабда қўшни Қирғизистон Республикаси билан ҳамкорликда ўтказилаётган дўстлик учрашувлари ҳам тақсинга лойиқдир.

26-ўрта мактаб 2000 йилда спорт майдони учун тўлиқ спорт анжомлари олган бўлса, 2001 йилда бир комплект компьютер техникаси олишга ва компьютер синфи ташкил этишга муваффақ бўлди.

2001 йил—"Оналар ва болалар йили" деб эълон қилиниши муносабати билан халқ таълими бўлимида ҳам бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ҳозирги кунда болалар боғчаларидаги 317 нафар тарбияланувчилар кам таъминланган оила фарзандлари сифатида 50 фоизли имтиёздан, 32 нафари 20 фоизли имтиёздан фойдаланмоқдалар.

2001 йилдан "Санаторий" типидаги махсус боғча ташкил этилди. Болалар тарбиясида ва уларни мактабга тайёрлашда оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги ва жамоат ташкилотларининг ёрдами кучайтирилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, туманимиз халқ таълими ходимлари Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари ижросини таъминлаш борасида муайян натижаларга эришиб келишмоқда.

Дастурнинг иккинчи босқичи янада масъулиятлидир. Туманимиз педагоглари ҳам бу масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, иккинчи босқич талабларини бекаму кўст амалга ошириш чора-тадбирларини кўрамиз. Зеро, бу бизнинг масъулиятли вазифамиздир.

Икром БЎРИБОЕВ ёзиб олди.

YANGI ALIFBONI O'RGANAMIZ

19-дарс
ЧИЗИҚЧА (-) БИЛАН ЁЗИШ ҚОИДАЛАРИ

Ўтган дарсимизда сўзларни ажратиб ёзиш қоидалари хусусида фикр юритиб, бундай сўз шакллари яхлит бир маъно ифодалашини таъкидлаган эдик. Чизиқча билан ёзиладиган сўз шакллари ҳам ягона маънони билдириши жиҳатидан ажратиб ёзиладиган сўзларга яқин туради. Аммо чизиқча билан ёзиладиган сўзлар грамматик қурилишига кўра турлича бўлиб, уларнинг бир гуруҳини сўзлар орасида чизиқча қўйиладиган, иккинчисини эса сўз ва грамматик шакл ўртасида чизиқча қўлланадиганлар сифатида ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади ва тушунилиши осонлашади. Сизга, муҳтарам ўқувчимизга, сўзларни чизиқча билан ёзиш қоидаларини шу тарзда сингдиришга ҳаракат қиламиз.

Икки сўз ўртасида қуйидаги ҳолатларда чизиқча қўлланади:

1. Жамлаш, умумлаштириш ва кучайтириш маъноларини ифодаловчи барча жуфт сўзлар чизиқча билан ёзилади. Масалан: **ota-bola, qovun-tarvuz, sigir-buzoq, non-pon, maydachuyda, aldar-suldar, bordi-keldi** каби.

2. Кўпчилик, умумлаштириб таъкидлаш каби маъноларни ифодаловчи такрорий сўзлар доимо чизиқча билан ёзилади. Масалан: **ombor-ombor, ming-ming, kichik-kichik, bitta-bitta, ishlab-ishlab, uzoq-uzoq-larga, barcha-barchasi, tishi-tishiga, ich-ichidan** каби.

3. Нутқда такрорланган шаклда қўлланиладиган тақлидий сўзлар ва ундовлар алоҳида қисмлар тарзида чизиқча билан ажратилиб ёзилади. Масалан: **duv-duv, paq-puq, dag'-dag', tu-tu-tu, kisht-kisht, bay-bay, hay-hay** каби.

4. Таъкид, кучайтириш маъноларида қўлланувчи етакчи ва кўмакчи феълнинг бир хил шаклда бириккан ҳолатларда ҳам чизиқча билан ёзилади. Масалан: **oldi-ketdi, o'sib-unib, olasan-ketasan, uxlabman-qolibman, so'ramay-netmay** каби.

Юқорида келтирилган жуфт сўзларнинг кўринишлари баъзан нутқда — **u(-yu)** боғловчиси билан бирга ишлатилади. Кирилл алифбоси асосидаги имло қоидаларида бундай ҳолатларда чизиқча қўйилмаслиги лозим эди. Аммо лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосининг янги имло қоидалари шу жиҳатдан фарқлироқдир. Эндиликда жуфт сўзнинг қисмлари ўзаро боғловчи воситасида боғланса, — **u (-yu)** боғловчисидан олдин чизиқча қўйилиши лозим. Қиёсланг: гулу лола = **gul-u lola,** боғу бўстон = **bog'-u bo'ston,** кечаю кундуз = **kecha-yu kunduz** каби.

Рус тили орқали тилимизга айнан кириб келган ёки таржима қилиш орқали ўзлашган сўзлар ҳам аслига мувофиқ чизиқча орқали ёзилади. Масалан: **vitse-prezident, eks-chempion, kilovatt-soat, gramm-molekula, changlagich-purkagich, maktab-internat** каби.

Чизиқча билан ёзиладиган сўзларнинг фаол қисмини юкламалар ва ёрдамчи грамматик шакллар билан қўлланувчи сўзлар ташкил этади. Шунга кўра, қуйидагиларнинг чизиқча билан ёзилишини эслаб қолинг:

1. **- a, - u(-yu), - da, - e, - ye (- yey), - ки-, - chi** юкламалари сўзларга қўшилганда чизиқча билан ёзилиши керак. Масалан: **kelasiz-a, uchta-ya, yashang-e, ko'rdi-yey, yaxshi-yu, kut-dim-ku, u-chi** каби.

2. **- ma, - ba** ёрдамчи воситалари орқали ўзаро бирлашган сўзлар чизиқча билан ёзилиши лозим: **yuzma-yuz, ketma-ket, dam-badam, rang-barang** каби.

3. Сўзнинг бош бўғинини сўз олдидан такрорлаб қўллаш орқали ҳосил қилинувчи белгининг кучайтириш шакллари ҳам чизиқча орқали ажратилиб ёзилади: **yam-yashil, dam-badam, to'ppa-to'g'ri, bab-baravar, sap-sariq** каби. Аммо биргина **oppoq** сўзи бу қоидадан мустасно тарзда чизиқчасиз ёзилади. Бундай ёрдамчи воситалар сўзга қўшимча маъно бериш мақсадида қўлланиб, турлича грамматик маъноларни ифодалагани учун ҳам асосий сўздан чизиқча билан ажратиб ёзилади. Бу қоидаларни эслаб қолиш учун ҳам сўзга юкланадиган қўшимча маънолар ифодасига эътиборни қаратиш самаралироқ ҳисобланади.

Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси жорий этилиши муносабати билан тасдиқланган янги имло қоидаларида биз одатланган қоидалардан фарқ қилувчи яна бир ҳолатга диққат қилинг. Маълумки, кирилл ёзувидаги алифбо асосидаги имло қоидаларига биноан араб рақамлари билан ифодаланадиган тартиб сонларни ёзишда чалкашликни келтириб чиқарувчи иккита қоида амал қилар эди. Унга кўра, саналар кун ва йилни ёзишда чизиқча қўйилиб, бошқа ҳолатларда сонлар чизиқча билан ёзилмас эди. Янги имло қоидаларида бундай икки хиллик бартараф этилган. Эндиликда араб рақамлари билан ифодаланувчи барча турдаги тартиб сонлардан сўнг доимо чизиқча ёзилиши шарт. Тартибни ифодаловчи **- inchi** қўшимчасининг вазифасини ўтайдиган чизиқча **(-)** билан ёзилган сонлар **- inchi** қўшимчаси билан ўқилади. Масалан: **5-sinf (Beshinchi sinf), 21-uy, 7-xona, 90-yillar, 14-noyabr** каби. Аммо рим рақамлари билан ифодаланган тартиб сонлардан сўнг ҳеч қайси ҳолатда чизиқча қўйилмайди. **X sinf, IV bob, XXI asr** каби.

1-топшириқ. Турли сўз туркумларига хос бўлган жуфт сўзларга мисоллар топинг ва уларни алоҳида устунчалар тарзида чизиқча билан ёзилишини кўрсатинг.

Намуна: **1. O'g'il-qiz. 2. Katta-kichik. 3. u-bu** тарзида **meva-cheva, yaxshi-yomon, siz-biz.**

2-топшириқ. Чизиқча билан ёзиладиган юкламаларга мисоллар ёзинг. Уларни шаклан ўхшаш **- u(yu), - da, - ki** каби боғловчилардан фарқли ёзилиш ўринларини изоҳлаб беринг.

Абдурозиқ РАФИЕВ,
филология фанлари номзоди,
ЎзМУ доценти

O'qituvchiga yordam

ОЗОДЛИКНИНГ СЎНМАС ҚЎШИҒИ

Мустақиллик учун кураш ғоялари ўзбек адабиётининг ҳамма даврлари учун ҳам хос бўлган. Айниқса, истиқлол ғоялари XX аср бошларида М.Беҳбудий, Ҳамза, С.Айний, Фитрат, Чўлпон каби маърифатпарварларнинг ижтимоий-сиёсий публицистикаси, шеъриятида етакчи мавзуга айлана бошлади. Умуман, Туркистонга келган хонлар ва амирлар ўртасидаги ўзаро низо ва урушлар, кейинчалик чор мустамлакачилик сиёсати мамлакатимиз халқларини ҳар томонлама туткунликка солган эди. Бу даврга келиб бир вақтлар иқтисодий-ижтимоий ва ҳарбий жиҳатдан дунёда машҳур бўлган ўлкамиз жаҳондан деярли узилиб эрксизлик, тутқунлик гирдобида қолган эди.

XX асрнинг бошларига келиб, Туркистон халқлари ҳаётида янги ижтимоий-сиёсий уйғониш даври бошланди. Ўлканинг илғор маърифатпарвар мутафаккирлари, юртимизнинг тарихий ўтмишдаги шон-шуҳрати, мавқеини тиклаш, унинг тараққиёти учун кураш, эрк ва мустақиллигини таъминлаш дарди билан ёндилар. Туркистонни феодал тарқоқлик ва қолоқликдан қутқариб, уни маърифий жиҳатдан ривожлантириш, эски бюрократик давлат ўрнига эркин демократик Туркистон мухторияти учун курашга киришдилар. Унда маҳаллий туб жой халқларининг ҳақиқий инсоний ҳақ-ҳуқуқлари, эркин демократик сайловлар асосида тикланишини, ўтмишда уларнинг қўлларидан тортиб олинган Туркистон ўлкасининг янги мустақил яхлит давлат сифатида тикланиши ва у янгича маърифий демократик давлат бўлиб, ўз муҳитидаги бошқа барча миллатларнинг ҳам ҳақ ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган (М.Беҳбудий. "Баёний ҳақиқат", "Марказий шўрозимга" (1917), Фитрат "Сайлов яқинлашди", "Уч съезднинг бир қарори" (1917), Ҳамза "Ўён, ватан") бўлиши кераклигини ёздилар. Унинг ғалабасини олқишлаш билан бирга мустақилликнинг барқарор бўлиши Туркистонда яшаётган барча халқлар (жумладан, ўзбек, қозоқ, туркман, тожик, татар ва бошқа халқлар)нинг ўзаро иттифоқ, аҳил ва дўстликда бўлиши, акс ҳолда бу қўлга киритилган ютуқлар қўлдан кетиб қолиши ҳам мумкинлигини ёздилар. (Масалан, М.Беҳбудий, "Қозоқ қариндошларимизга очиқ хат", Ҳамза "Туркистон мухториятига"(1918 йил, январь) ва бошқалар). Айниқса, ўзбек ижодкорлари — Маҳмудхўжа Беҳбудий, Фитрат, Ҳамза, Чўлпон, татарлардан — Саид Сунчалай ва бошқалар Туркистон мухторияти ғалабасини қувонч билан қарши олдилар, уни халқларимизнинг асрий орзусининг ушалиши, ўлкамизда яшаётган барча қардошларимизнинг ғалабаси деб ёздилар. Жумладан, Ҳамза 1918 йил 11 январда "Улуғ Туркистон" газетасида эълон қилган "Туркистон мухторияти" шеърида мухториятни чор истибдод ҳукуматининг тугатилиши деб билди, уни олқишлаш билан бирга "Ғофил қолманг, бул фурсат барбод ўлмасин!" дея ғалабани сақлаб қолишга даъват этиб шундай ёзди:

Тўрт юз йиллик Романов
битгач давлати,
Кўтарилди асорат,
хўрлик зулмати.
Насиб ўлди миллата
қайтиб шавкати.
Қутлуғ бўлсин
Туркистон мухторияти!

Бугун қайси бир кўнгил
дилшод ўлмасун?!
Бугун қайси мироншоҳлар
обод ўлмасун?!
Ғофил қолманг бул фурсат
барбод ўлмасин?!
Қутлуғ бўлсин
Туркистон мухторияти!

Келди муборак
бизга янги замон,
Янги давр кечирмак
энди филомон,
Ёд этмакка исмимиз
тарихи жаҳон.
Қутлуғ бўлсин
Туркистон мухторияти!

Қутлуғ бўлсун, эй ёшлар,
тўкуб қонингиз,
Берган қурбонингизга
олган шонингиз.
Мангу қолди дунёда
хуш унвонингиз,
Қутлуғ бўлсин
Туркистон мухторияти!

Бироқ кўп ўтмай большевиклар Туркистон мухториятини зўрлик билан ағдариб ташлаб, ўлкани қонга ботириб, истиқлолчилардан қасос олишга киришдилар. Большевикларнинг бу қонли босқинчилигига қарши бошланган ғазаб ва нафрат, уларга қарши кураш ва истиқлолга умид, ишонч ғоялари Садриддин Айнийнинг "Биз ким" (1919), Фитратнинг "Миррих юлдузига", "Овунчоқ", "Темур саганаси" (1919, 1920), Чўлпоннинг "Кўнгил", "Бас, энди!", "Қўзғалиш", "Кишан" (1922), Элбекнинг "Қуролга" шеърларида исёнкорлик руҳи билан акс этган.

Жумладан, Чўлпон ўзининг "Қўзғалиш" (1922) шеърида большевик золимларга қарши дадил туриб, зулм кишанларининг занг босгани ва уларнинг узилиши муқаррарлигига умид боғлаб шундай деб ёзган эди:

Эй! Сен — мени ҳақир кўрган,
тубан деган афанди!
Эй! Устимдан бир умрга
хўжа бўлмоқ истаган!
Эй! Бўйнимга кишан солиб,
ҳалокатга судраган.
Кўзларингни заҳарлатиб,
ўйнатмагил, бас энди!
Кишанларинг занг босгандур,
сергак бўлким узилур!
Томиримда қўзғалишнинг,
ваҳший қони гупурди.
Эски фикр, аньаналар
энди буткул узилди,
Ё битарман ёки сенинг
салтанатинг бузилур!
Эй! Сен, мени қул ўрнида
ишлатгувчи афанди!
Титра, қўрқким, боғлиқ қулинг
бош кўтарган куч энди!!

Ўзбек адабиётида эрк ва мустақиллик учун кураш ғоялари гарчи 30-50-йилларда совет тоталитар тузуми сиёсий таъқиблари остида бирмунча сўнган бўлса-да, лекин у мутлақо йўқолиб кетгани йўқ. 20-йиллардаги Чўлпоннинг ўтли шеърлари, Фитратнинг "Темур сагана"си, Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар" тарихий романи, Садриддин Айний ва Элбекларнинг Бибихоним мадрасасига бағишланган асарлари ва бошқаларда очиқ акс этган бу руҳ 30-40-йилларда ҳам давом этди. Кейинчалик ўзбек адабиётида яратилган тарихий мавзулардаги Ойбекнинг "Навоий" романи, Уйғун ва Иззат Султоннинг "Навоий", Мақсуд Шайхзоданинг "Жалолиддин Мангуберди" драмаларида, 50-йилларнинг охирлари ва 60-йилларнинг бошларида янгиланишлардан кейин яратилган Миртемирнинг "Она тилим", Мақсуд Шайхзоданинг "Мирзо Улуғбек" фожеаси, Одил Ёқубовнинг "Улуғбек хазинаси", Пиримқул Қодировнинг "Юлдузли тунлар" тарихий романлари, Эркин Воҳидовнинг "Ўзбегим", Абдулла Ориповнинг "Ўзбекистон — Ватаним маним" шеърларида 20-йиллардаги адабиётимизда истиқлол учун кураш ғоялари яна ривожланди.

90-йиллар бошида совет тоталитар тузуми емирилиб, Ўзбекистон мустақиликка эришганидан кейин Ҳалима Худойбердиева, Усмон Азим, Азим Суюн, Хуршид Даврон, Муҳаммад Юсуф, Сирожиддин Саййид ва бошқаларнинг асарларида энди мамлакатимизнинг ҳақиқий мустақилликка эришгани, унинг озод ва обод Ватанга айланаётганлиги фахр билан мадҳ этилди ва айни пайтда бу асарларда порлоқ истиқбол учун фидойи курашчилар бўлишимизга даъват этилди. Бу жиҳатдан, айниқса, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг республикамиз мустақилликка эришгандан кейин кўп ўтмай ёзган "Ўзбекистон" номли шеъри ниҳоятда характерлидир.

Толеингда бор экан яшаш,
Гоҳ қон ичдинг, гоҳида шароб.
Этмоқ бўлиб юртим хомталаш.
Бош устингга келди инқилоб.
Чора истаб жанг майдонидан,
Самоларга учди унларинг.
Шаҳидларнинг қирмиз қонидан,
Алвон бўлди қора тунларинг.

Лекин офтоб поймол бўлмас,
Кавакларда қолмас ой нури.
Одил ҳакам — ҳақ бор беғараз,
Мазлумларнинг ёлғиз ғамхўри.
Қилич сермаб толе тонгида,
Ўзлигингни таниб қолдинг сен.

Бир ўғлингдек мен ҳам бу замон,
Кечмишингни қилдим томоша.
Иқболингни кўролдим аён,
Истиқлолнинг уфқлари оша.
Иқболи ҳур шўх-шаъним маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Бугунги кунда адабиётимизда яратилаётган истиқлол мавзуидаги асарларни яна бир бор ўқиш ва идрок этиш ёшларимизни истиқлолимизга нисбатан чексиз ҳурмат ва фахрланиш руҳида тарбиялашга хизмат қилажак.

Шерали ТУРДИЕВ,
адабиёшунос

Afsus

УМРГА ҚЎЙИЛГАН ТУЗОҚ

Ҳаёт гўзал, яшаш мароқли. Бироқ инсон учун энг азиз бўлган умр қисқа. Шу боис бўлса керак инсон борки, ҳамма вақт имкон қадар бу дунёнинг гўзалликларидан кўпроқ баҳра олишга, у инъом этган лаззатлардан татишга интилиб яшайди. Бу истак эса баъзида одамзодга бахт келтирса, баъзан шу кимса умрини хазон ҳам қилади. Инсониятнинг энг заиф томони ҳам шунда, менимча. Зеро, у амал қилаётган кўплаб зарарли одатларнинг охир-оқибатини билса-да, уни такрорлашдан ўзини тиёлмайди.

Бугун ёшлар орасида оммалашиб бораётган чекиш одати ҳам айни юқоридаги фикримизга далил. Эътибор берган бўлсангиз, ёшларимиз ружу қўяётган сегарета тутунлари ёмғир ёғиши олдидан қора булутнинг кўм-кўк, беғубор осмонни қоплагани сингари тобора фарзандларимизнинг катта қатламини ўз исканжасига олмоқда. Энг ачинарлиси, кашандалар орасида дунёда гўзаллик, латофат, ибо тимсоли бўлган аёлларимизнинг, қизларимизнинг ҳам учраётганидир.

Юртимизда соғлом авлод тарбиясига ҳар қачонгидан кўра кўпроқ эътибор берилаётган бир пайтда келажагимиз ворислари бўлган ўғил-қизларимизнинг бу қадар ўзларини заҳарлашларига нима сабаб бўлмоқда?

Айтиш жоизки, фарзандларимизнинг ҳар қандай иллатга ружу қўйишларида аввало ота-она, маҳалла-кўй, бир сўз билан айтганда, ўзимизнинг билиб-билмай қилган хатти-ҳаракатимиз бош омил бўлиб хизмат қилади. Шу ўринда бир мисол келтириб ўтсам. Маълумки, бобомиз Амир Темур номи билан юритиладиган хиёбон пойтахтимизнинг энг гўзал, хушманзара масканларидан бўлиб, оқшом тушгач, хиёбон сайр қилувчилар билан янада гавжумлашади. Ачинарли томони шундаки, хордиқ чиқарувчиларнинг аксарияти ёшлар бўлиб, уларнинг жинсидан қатъий назар кўпчилигининг қўлида сегарета тутунлари осмонга ўрлаётганини кўриб таажжубинг ортади. Кексароқ кишининг ўз фарзанди тенгги ҳали ўн олтига ҳам тўлмаган қизнинг қўлида тутаётган сигаретадан хеч иккиланмай ўзиникини ўт олдириши янада таъбингни хира қилади. Ахир, бу қадар лоқайдликнинг оқибати неларга олиб келишини тасввур қилиш унчалик қийин эмаску!

Феруза АКБАРОВА

YAHOO! — АХБОРОТ МАНБАИ

Бугунги кунда интернет тармоғи миллионлаб маълумот саҳифаларини ўз ичига қамраб олган. Шу билан бирга тармоқ ҳар сония кенгайиб бормоқда. Айни чоғда ҳам юзлаб янги саҳифалар дунё юзини кўрмоқда.

Интернет тармоғи нақадар катта эканлигини айтиб бериш мушкул, аммо шуниси аниқки, тармоқ дунёнинг ҳар қандай кутубхонасидан ҳам каттароқдир. Интернет тармоғи орқали сиз истаган маълумотингизни истаган вақтда топишингиз мумкин. Бироқ тармоқнинг кундан-кунга ўсиши сабабли унда керакли маълумотни топиш ниҳоятда мураккаб жараёнга айланиб бормоқда. Шунинг учун маълумотни топишга кўмаклашувчи кўпгина "қидирув дастур"лари ишлаб чиқилган.

Шунга қарамай аксарият қидирув дастурлари аниқ ишламайди. Масалан, сиз "Alta Vista" қидирув дастури ёрдамида футбол ҳақида маълумот олмоқчисиз. Аммо дастур Америка футболи билан Европа футболининг фарқига бормайди. Шунинг учун сизга футбол ҳақида юз минг бетдан ортиқ ахборот чиқариб беради. Ана шундай улкан ахборот ичидан ўзингизга кераклигини топишга мажбурсиз, бу эса кўп вақт ва билим талаб қилади. Шу каби мураккаб қидирув жараёнини соддалаштириш мақсадида ҳам Yahoo! сайти яратилган.

Yahoo! — Интернет сайтлари орасида энг қулайи ва шу билан бирга энг оммавийси ҳамдир. Ундан ҳар куни миллионлаб инсонлар фойдаланади. Yahoo! сайти асосий 14 бўлимга тақсимланган бўлиб, санъат, бизнес, таълим, янгиликлар, спорт, жамият ва маданият, компьютер ва интернет каби бўлимлар ана шулар жумласига киради. Ҳар бир бўлим кичик бўлимлардан, улар эса ўз навбатида янада кичикроқ бўлимлардан ташкил топган. Бутун Yahoo! сайти пирамида шаклида яратилган бўлиб, ахборот қидирув жараёнининг тезкор ва аниқ бўлишини таъминлайди.

Пирамида принципи асосида яратилган кўпгина сайтлар мавжуддир, аммо улардан ҳеч бири Yahoo! сингари аниқ ва тезкор эмас.

Yahoo! сайтини ҳар куни минглаб малакали мутахассис дастурчилар назорат қилиб, сайтдаги ахборотларни янгилаб туришади. Ушбу омиллар Yahoo! дунёдаги сайтларнинг энг аниғи деб эътироф этилишининг сабабидир.

Yahoo!нинг асосчилари америкалик Жэри Янг ва Дейв Филолардир.

Yahoo! каби сайтни яратиш фикри уларда Стэнферд Университетида таҳсил олаётганларидаёқ пайдо бўлганди. Жэри ва Дейв соатлаб компьютер олдида ўтиришар ва барча кучлари бўлажак сайтнинг яратилишига қаратилган эди.

Ниҳоят, 1993 йили янги бир сайт дунё юзини кўрди. Бошқа сайтлардан фарқли ўлароқ Yahoo! маълумотларга бойроқ, қизиқроқ ва унинг устига фойдаланиш бепул эди. Ушбу ютуқлар Yahoo! сайтининг ниҳоятда қисқа муддат ичида машҳур бўлиб кетишига замин яратди. Шунда Жэри ва Дейв бундан қандай қилиб, яхши даромад олиш мумкинлиги устида бош қотира бошладилар. Улар сайтни сотишга қарор қилишди.

Netscape ва AOL деб номланган дунёнинг энг йирик интернет провайдер компанияларига Yahoo! каби оммавий сайтлар ниҳоятда зарур эди. Улар Жэри ва Дейвга сайт учун катта пул таклиф қилдилар. Лекин, Yahoo!дан таклиф қилинган пулдан ҳам каттароқ пул қилиш мумкинлигига кўзи етган Дейв кутилмаганда сотишга рози бўлмайди.

1995 йилнинг апрелида Жэри ва Дейв банкдан 4 млн. доллар миқдорида кредит оладилар. Улар Yahoo!ни йирик интернет компаниясига айлантиришни мақсад қилиб қўйишган эди. Бу эса Netscape ва AOL каби гигант компаниялар билан рақобат қилиш дегани эди. Қисқа вақт ичида Yahoo! интернет компанияси шаклланди, аммо ҳануз катта даромад келтирмасди.

Ушбу муаммони ҳал этиш йўлини компания бош менеджери Тим Кугл топди. У Yahoo! сайтида пулли реклама саҳифаларини жорий қилишни таклиф қилди.

Yahoo! реклама учун саҳифалар сота бошлади. Лекин бундан кўпгина сайт фойдаланувчилари норози бўлади. 1995 йилнинг бошларига келиб Yahoo!дан фойдаланувчиларнинг сони икки баробар қисқариб кетди. Бунинг олдини олиш мақсадида 1995 йилнинг ёзида Франциянинг "Рэйтер" ахборот агентлиги билан шартнома тузилди. Унга кўра "Рэйтер" барча янгиликларни бевосита Yahoo! саҳифаларига жойлаштириши керак эди. Янгиликлар Yahoo!га бўлган қизиқишни яна тиклади.

Шунда компания INTERFAX, ESPN, MTV, NBS каби дунёнинг энг йирик оммавий ахборот воситалари билан ҳам шартномалар туза бошлади.

1996 йилнинг февралига келиб Yahoo! 10 млн. интернет саҳифаларига хизмат кўрсатар эди. Дунёнинг энг йирик 8 та реклама компаниялари ўз эълонларини Yahoo!да жойлаштирарди. Yahoo! кундан-кунга йириклашиб борди.

1996 йилнинг мартига келиб Yahoo! компаниясининг нархи 850 млн. долларга баҳоланди. Компания 1994-1996 йиллар давомида 220 баробар йириклашиб кетган эди.

2001 йилга келиб Yahoo! интернет компанияси, дунёнинг ушбу соҳадаги компаниялари ичида энг йириги деб эътироф этила бошланди.

Шунга қарамай, Жэри Янгнинг таъкидлашича, Yahoo! компаниясининг интернет бизнесидаги имкониятлари ҳали тўлатўкис ҳаётда ўз аксини топмагандир.

"TIME" журналидан
Мансур АБДУСАТТОРОВ
таржимаси

Fanimiz fidoyilari

ЎҚИТУВЧИНИНГ КОНЧИ ҚИЗИ

Барча замонларда ўзбек халқи ўзининг истеъдодли ва маърифарпарвар аёллари билан фахрланиб келган. Фотиҳа Мавлоновани ҳам шундай аёлларимиздан бири десак адашмаймиз. Бутун умрини илмга бахшида этган мўътабар зотнинг ижод ва ҳаёт йули буни кўрсатиб турибди.

Кончилик эркакларга хос касб. Аммо Ф.Мавлонова ўзбек аёллари энг оғир соҳада ҳам эркаклар билан бир қаторда иш олиб бориши мумкинлигини исботлади. Аёллардан биринчи булиб фойдали қазилма конларини қидириш буйича тоғ муҳандиси касбини эгаллади.

— Мен 1921 йил 12 ноябрда Тошкентда ўқитувчи оиласида туғилганман, — дейди Фотиҳа опа. — Мактаб даврида ёқ илмга чанқоқ эдим. Мактабни аъло баҳоларга битириб, 1939 йилда Урта Осиё инсдустриал институтининг тоғ факультетига имтиҳонларсиз қабул қилинганман. Уша уруш йиллари талабалик пайтимда Ангренда янги карьер қазишда қатнашдим. Бу ерга сафарбар қилинган колхозчилар қўлда қазирдилар. Улар билан бирга икки ой мобайнида кон устаси бўлиб ишладим. Ундан кейин Тошкент каналида, Лангар кўмир конида, Шўроб шахталарида кон устаси бўлиб меҳнат қилдим.

Фотиҳа опа уруш даврида-ги қийинчиликларни енгиб (оилада 7 та ўқувчи укалари бор эди), 1944 йил 10 августда тоғ факультетининг кон қазиш мутахассислиги бўйича диплом ишини аъло баҳога ҳимоя қилди. Уруш вақти бўлса-да, бу кун факультетда байрамга айланди. Чунки Ф.Мавлонова тоғ факультетида конларни қазиш мутахассислигини эгаллаган ўзбек қизларидан чиққан биринчи кон муҳандиси эди.

Ф.Мавлонова 1944-1946 йилларда "Уртаосиёшахталойиҳа" институтида лойиҳаловчи бўлиб ишлади. 1946 йилда "Фойдали қазилма конларини қазиб олиш" кафедрасига аспирантурага ўқишга кирди. Аспирантурани тугатиб, шу кафедрада ассистент, 1960 йилдан доцент, 1984 йилдан профессор унвонига сазовор бўлиб, талабаларга билим бериб келмоқда.

Урта Осиё ҳудудлари, айниқса, Узбекистон ўзининг сейсмофаоллиги, иссиқ континентал иқлими билан бошқа ҳудудлардан фарқ қиладиган ўзига хос муаммолар билан ҳам ишлаган. Ф.Мавлонова тоғ жинслари хусусиятларига кучли таъсир кўрсатади. Профессор Ф.Мавлонованинг бу борада олиб борган илмий ишлари мамлакатимиз кон саноати ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилди. Фотиҳа опанинг илмий фаолияти фойдали қазилмаларни ёпиқ ва очиқ усуллар билан қазиб чиқариш технологиясини мукаммаллаштириш, тоғ физикасини ҳамда Урта Осиё шароитларида ишланадиган конларда руй берадиган физик жараёнларни урганишга қаратилган.

У 1950-1960 йиллар давомида Урта Осиё шароитларида кия жойлашган қалин қатламни қазишда пайдо бўладиган муаммолар билан шуғулланди. Шу билан бирга, ер ости шароитларида жуда кўп экспериментал кузатувлар олиб борди, уларнинг натижалари асосида ҳар хил қонуниятлар яратилди.

Ф.Мавлонова раҳбарлигида кафедрада "Фойдали қазилма конларини очиқ усулда ишлашнинг гидромеханизацияси", "Тоғ жинсларининг механик хусусиятлари" ва "Номаъдан қурилиш материаллари" лаборато-риялари ташкил этилди. Унинг бир қанча услубий ва илмий ишлари ўзбек ва рус тилларида чоп этилган.

Профессор Ф.Мавлонова 2 монография, 70 дан ортиқ илмий иш, 15 дан ортиқ услубий қўлланма ва мақола муаллифи, кўп йиллар мобайнида факультет ҳамда институт илмий-услубий кенгашларнинг аъзоси, 30 йил мобайнида "Янги техника" журналининг бош муҳаррири муовини бўлиб ишлаб келган, талай аспирантларга фан номзоди диссертацияларини тайёрлашда раҳбарлик қилган.

Унинг самимий ва сидқидилдан қилган меҳнати ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. Улар орасида энг азизи — мустақил давлатимиз Президенти Фармони билан 1994 йилда берилган "Шуҳрат" медалидир.

— Элимнинг мустақил бўлганини кўриб жуда қувонаман. Шу кунларни кўриш менга ҳам насиб этганига Аллоҳга шукр. Ҳукуматимизнинг мен каби фахрийлар меҳнатини қадрлаши кўнглимни кўтарди. Бирдан бир ниятим — юртимиз тинч бўлсин, элимиз обод бўлсин. Ватанимиз яна ҳам юксалсин, — дейди опа.

Наргиза ҒУЛОМОВА

Ватан! Бу сўз нақадар муқаддас ва азиз! Инсон дунёга келаркан хоҳ, у гадо бўлиб оддий қулбада яшасин, хоҳ шоҳ бўлиб қасрда яшасин унинг ана шу бошпанаси жойлашган, киндик қони тўкилган жойи Ватандир

Одамлар умр бўйи ёруғликка интилсалар, у зулмат қўйнида тиззасини қучоқлаб ўтираркан, бу дақиқалар узоқ, жуда узоқ давом этишини истар эди.

Ma'rifat

БУВАМ АЙБДОР ЭМАС ЭДИ, БИРОҚ...

Ватан! Бу сўз нақадар муқаддас ва азиз! Инсон дунёга келаркан хоҳ у гадо бўлиб оддий қулбада яшасин, хоҳ шоҳ бўлиб қасрда яшасин унинг ана шу бошпанаси жойлашган, киндик қони тўкилган жойи Ватандир: Ватаннинг муқаддаслиги шундайки, оддий гулни ўзга юртга олиб бориб экса, у ерда унмаганидек, инсон ҳам ўзга юртда, қўйингки, ҳатто бир қишлоқдан иккинчи қишлоққа бориб қолса ҳам ўзи яшаб ўрганган аввалги жойини қўмсаб қолади.

Ҳа, ана шу Ватанни қўмсаб кимлар "оҳ" чекмади, кўз ёш тўкмади! Кимлардир она-Ватани учун жон бериб, жон олган бўлса, яна кимдир ўз юрти тупроғига қадам қўйган заҳотиёқ жон беришга ҳам рози бўлиб ўтди.

Биз биламизки, Ватанимиз озодлиги йўлида Фитрат, Чўлпон, У.Носир, А.Қодирий, А.Авлоний, Беҳбудийдек маърифатпарвар юрт ўғлонлари каби юзлаб ватандошларимиз шу замин истиқлоли учун ўз умрларини фидо қилишган. Оллоҳга шукурлар бўлсинки, Ватан озод бўлди!

Мустақиллик — бу имконият, ўз келажагини ўзи белгилай олиш имтиёзи. Қисқа вақт ичида юртимизни дунё таниди. Мана 10 йилдирки, юртимиз тобора тараққиёт сари одимламоқда. Шу ўринда бир мисол: 1976 йил, мен 10 синфда ўқийман, қиш чилласи, ҳар кунгидек мактабга кетиш олдидан эрталаб анчадан бери отам бетоб ётган хонага кирдим.

O'tmish va bugun

Киришим билан отам бошини бироз кўтариб, аллақандай бир маҳзунлик билан боқдики, бу қараш менинг ҳалиҳануз кўз олдимдан кетмайди. Мен эса ўшанда отамнинг бу боқишига қараб турдим-да, хайрлашиб чиқиб кетдим. Армоним, ўша вақтда ботиниб, бирор нима демоқчимисиз ота, деб сўрамабман. Чунки отам жуда камгап, оғир табиат одам бўлганликлари учун биз қизларку майли-я, ҳатто ўғиллар ҳам гапиришга ботинолмасдик.

Отам ўша пайтларда Бухорога тез-тез бориб турардилар, бир гал борганларида мен ёш эдим. Онамларни ҳам ўзлари билан олиб кетди. Ўшанда онам Бухорога бориб келгач, бизларга: уларни отам Амир Олимхон музейларига олиб борганларини, лекин Аркка кираверишда отам ерга ўтириб, тупроқни кўзига суртганларича, кўзларида ёш қалқиганини айтиб келганлар. Биз сабабини онамдан сўраганимизда, онам ҳам ўшанда оғир тин олиб ҳеч нарса демагандилар.

Нега? Ана шу "нега" деган саволга мен кейинчалик жавоб топдим.

Бир куни акам ишхонасидан келиб қувонч билан "Она мени партияга ўтказишмоқчи" деганларида онам хурсанд бўлиш ўрнига тўсатдан ғамгин оҳангда, "Болам, отанг бойнинг боласи бўлган, бувангни бой бўлгани учун қамаганлар. Айтишларича, партияга ўтгунча қамалган қариндошларини суриштирармиш-ку!" дедилар. Биз ҳайрон бўлдик. Нима, бой бўлиш айб эканми? Бу саволнинг мағзини эса юртимиз истиқлолга эришгач чақдим, десам янглишмайман.

Ўшанда отам менга мўлтираб, саволомуз боқканларида юрти, ота-она, қариндош-уруғ, қоларверса, биз фарзандлар қисматидан ачиниб, ноилож-лигидан армонда кетаётганлигини мен қаердан билибман?!

Ўз даврида отамнинг отаси Раҳмонов Муқим (1882 йили туғилган) чорвадорлардан бўлган эканлар. У кишининг уюр-уюр қўй-қўзи, туя, от, моллари бўлиб, уларнинг маҳсулоти ва қоракўл тери савдоси билан шуғулланиб, катта-катта шаҳарлар билан алоқа қилган. Ҳатто Амир Олимхон ҳузурида, Аркда ҳам кўп бўлган. Бундан ташқари, қишлоқдаги етишмовчилиги бўлган оилаларга ёрдам берган. Қишлоқнинг тўй-маъракаларида бош-қош бўлиб, эл хизматида юрганлар. Маърифатли инсон бўлгани учун Қурьони каримнинг барча оятларини ёд олган, қишлоқда мачит ҳам қурдирган экан. Бир орзуси эса қишлоққа сув олиб келиш бўлган экан. Бироқ минг афсуслар бўлсинки, у кишига бу орзуси тугул фарзандлари камолини кўриб, ўз севикли қишлоғи бағрида қазо қилиш ҳам насиб этмади.

Сабаби, у киши 1931 йил 3 июль куни совет давлати душмани сифатида айбланиб, уч йилга қамалади. Хотин, болалари эса Сибирга сургун қилиниб, мол-мулки мусодара қилинади. Лекин уч йилда ҳам у киши қамоқдан чиқмайди. Сибирга сургун қилинган хотинлари Бухол Бекбўтаева у ерга озиқ-овқат олиб келадиган аравакашга яшириб олиб қолган тақинчоғини бериб, отам Муқимов Қурбон ва укалари Қўзибойни қочиришга улгурадилар. Аммо улар ҳатто ўз қишлоқларида ҳам бир умр қўрқув ва таҳликада яшайдилар.

Яна аччиқ савол туғилади. Улар қай гуноҳлари учун бундай балоларга гирифтор қилинди? Отанинг айби учун болалари жазоланиши адолатданми? Умуман, бувам айбдормиди?

Ойжамол МУҚИМОВА

Олтин куз

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Пойтахтимиздаги Транспорт институтида 1985-86 йилларда тугилган усмирлар уртасида юнон-рум кураши буйича халқаро мусобақа утказилди.

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгаши кунгилли спорт жамияти томонидан уюштирилган мусобақада 9 хил вазн тоифасида 90 нафар усмир ғолиблик учун курашди.

Вазн тоифаларига кура "Ёшлик" КСЖ вакиллари Фаррух Бозоров (54 кг), Альберт Қодиров (76 кг), пойтахтимиздаги 11-БУСМ вакиллари Азизбек Мирзаев (42 кг), Мурот Кенжақулов (50 кг), пойтахт вилоятидан Даврон Ражабов (85 кг), Рашид Туримов (69 кг), Қозогистон Республикасининг Сариогоч туманидан Булат Жусупов (46 кг), Игорь Лигай (58 кг), Сергей Лигай (63 кг) мусобақа ғолиблари бўлишди.

Ғолиб ва совриндорларга мукофотларни Узбекистоннинг бир неча бор чемпиони, спорт устаси Рустам Иброҳимов топширди.

Ғ.МАННОПОВ

Xullas...

ЧАЁНЛАР ҚУРШОВИДАГИ АЁЛ

Заҳарли ҳашарот — чаён, илон, қорақуртларни кўрганда, малайзиялик Малена Ҳассан ўзини хотиржам ва бемалол тута олар экан. У ўзининг бу хислати билан Гиннеснинг рекордлар китобига киритиладиган бўлди.

Келантан округидаги музейда очилган бўлма Малена Ҳассанни чаёнлар қуршовида кўрсатади. Уларнинг сони нечта дерсиз? Мингта десангиз янглишасиз, икки мингтадан ҳам кўп, аниғи, икки минг етти юзта, лоф эмас, ишонаверинг.

Оммавий ахборот воситалари чаёнлар билан яшашда ўзини синаб кўрмоқчи бўлган аёлни бир ой мобайнида кузатиб бордилар. У қандай ухлайди, овқатланади, чаёнларнинг ўзини тишлашига қандай қилиб йўл қўймайди, бу саволлар нафақат шов-шувга уч журналист халқини, балки оддий томошабинларни ҳам қизиқтирарди. Ажабланарлиси шундаки, чаёнлардан бирортаси ҳам Маленага озор етказмаган. У ҳар куни фақат ун беш дақиқага чаёнхонани тарк этарди.

"Чаёнлар маликаси" номини олган Малена яқин кунларда ўз телешоусини намойиш этиш истагида эканлигини айтиб, томошага якун ясади. Шуниси аёнки, телешоу унга кўз кўриб, қулоқ эшитмаган шуҳрат келтиради.

МУКОФОТ БИЛАН ЖАЗО ЧОРАСИ

Мактабдаги турли хил бебошлик ва безориликларнинг содир этилишига барча давлатларда гувоҳ бўлиш мумкин. Хусусан, Буюк Британияда ҳам. Усмир ёшлар уртасидаги дарс қолдириш, ўқитувчининг асабига тегиш, топшириқларни бажармасдан келиш ва бошқа одобсизликлар одатий ҳолдир.

Маҳаллий ҳукумат халқ таълими департаментининг таклифини бажонидил қабул қилди. Бунга кўра энг яхши курсаткичдаги болаларга пул мукофоти берилади. Табиийки, уз тенгқурларининг пул мукофоти билан тақдирланиши ёмон томони билан кўриниб қолган болаларга энг ажойиб жазо чораси булаяпти. Мактабларда ҳулқи ёмон болалар кескин камаймоқда.

Маҳаллий ҳукумат эса катта самара келтириши мумкин булган бу ишга миллионлаб фунтларни ажратиб қўйди.

ТОЗА ҲАВО 3,5 ДОЛЛАР

Таиланд пойтахтида истиқомат қилувчиларга кислород билан тулдирилган бар хизмат қила бошлади. Бир кишилик ҳаво порциясининг нархи 3,5 доллар. Сиз уйлаётгандирсиз, у қандай ҳаво экан деб. Цитрус усимликларидан таралувчи ҳид мусиқа оҳанглари билан омухта қилинганки, ана буни танни яйратувчи ҳақиқий тоза ҳаво деса булади.

Соғломлаштириш муассасасига Бангкок аҳолисининг ярмидан кўпи 2-3 маротаба келиб улгурди ва ўзларини аршу аъдодагидек ҳис қилишди.

ana shunaqa gaplar

Sport

МИРЖАЛОЛ АБУ-ДАБИда

Ўзбек футболининг ишонгани, миллий терма жамоамизнинг сардори, Самаранинг "Крилья Советов" клуби футболчиси Миржалол Қосимов хабарларга қараганда, 11 ноябрь куни Бирлашган Араб Амирликларининг Абу-Даби шаҳрига жўнаб кетди. Бундан кўриниб турибдики, у эндиликда Абу-Дабида тўп суради. Ҳозирча қайси клуб билан шартнома тузиши номаълум. Бироқ норасмий хабарларга қараганда, шартнома тайёр. Миржалолнинг қайси клубда тўп суришидан қатъи назар у ишончимизни оқлайди.

ЗАСИПКИНА ЖАРОҲАТ ОЛДИ

Россиялик машҳур гимнастикачи Мария Засипкина ўтган ҳафтада жиддий жароҳат олди. У машғулот ўтказаётган бир вақтда боши билан йиқилиб тушди. Бўйнидан олган жароҳати эса жиддий эканлиги таъкидланмоқда. Мария бир неча кун аввал, яъни 31 октябрь куни гимнастика бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида кумуш медалга сазовор бўлган эди. Озгина эътиборсизлиги туфайли эндиликда уни "операция" кутмоқда.

"ЭКВАДОР" — ҒАЛАБА ВА МОТАМ КЕЛТИРДИ

"Эквадор" терма жамоаси Уругвай билан ўтказган учрашувда дуранг ҳисобни қайд этиб, ўз тарихида биринчи бор жаҳон чемпионатининг финал қисмига йўлланмани қўлга киритди. Аммо тунги байрам натижасида тўрт нафар мухлис ҳаётдан кўз юмди. 70 нафардан ортиқ киши жиддий ва енгил жароҳатлар олишди. Фожеанинг сабаби, қувончи ичига сиғмаган мухлислар спиртли ичимликларни кўп истеъмол қилган ҳамда уларнинг автомобилларни бошқарганликлари натижасида келиб чиқди.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ УЧУН СЕУЛда 10 ТА ЎЙИНГОҲ

Ўтган ҳафта Сеул шаҳрида жаҳон чемпионатига атаб қурилган янги ўйингоҳнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Хорватия ва Жанубий Корея жамоалари ўртасида ўртоқлик учрашуви ўтказилди. Мезбонлар 2:0 ҳисобида ғалаба қозонишди. Ўз ичига 64677 мухлисни сиғдирадиган ўйингоҳнинг қурилиши учун 3 йил вақт кетди ва 152 миллион доллар сарфланди. Чемпионат олдидан Кореяда 10 та янги ўйингоҳ қуриб битказилди.

ЯПОНИЯ ҲАМ ЧЕМПИОНАТГА ТАЙЁР

Халқаро футбол федерациясининг текширувчи гуруҳи ўтган ҳафта 2002 йили жаҳон чемпионати ўтказиладиган Японияда барча спорт иншоотларини кўздан кечириб, уларга юқори баҳо берди. Комиссия вакиллари 4 ўйингоҳни кўздан кечирди. Шу куни Токиода ўтказилган матбуот анжуманида ФИФА вице-президенти барча ўйингоҳлар мусобақага тайёр эканлигини эълон қилди.

maydonchasi

ҒАЗАЛЛАР

Ҳеч киши меним киби ўлмасин ёрга гадо,
Ёхуд ёрни этмасин мен киби зорга гадо.

Ким ўлди ёрга гадо аввал ул ишққа гадо,
Асли тенгрига ёхуд номусу орга гадо.

Менким ўлдим улусга магар ватанга гадо,
Дегил унданда ҳазин ошиғи торга гадо.

Ишқ аҳлига фаною бақода йўқ имтиёз,
Хотирсиз икки юртда ўлдим хуморга гадо.

Ким ўлди ё раб шаънга, кавсар, ризвонга гадо,
Мен ўлдим ёра, ора, нури туморга гадо.

Тиладим ўлсин гадо, ўлмади кимса гадо,
Гадо ўлдим ҳар касга, бани дилдорга гадо.

Деди ул: "Майга гадо", Ўктам тенгрига гадо,
Умр ўтди фанода бўлиб бедорга гадо.

Ko'ngil bitiklari

Мунаввар этгали васлим тиларман шами ризвонин,
Мунаввар қилгали васлин чекарман ғами ҳижронин.

Мунаввар ўлмади васлим, мунаввар ўлмади васли,
Йиғи келмас, сукут била сўрарман моҳи табонин.

Йиғладим мунаввар ўлса васли бир кўрарга ё раб,
Насиб ўлгай ул кун менга кўрмаклик қоши камонин.

Ким мунаввар этса васлин мунаввар этди қазони,
Мунаввар этмоғи вожиб бир кун мен-ошиқ фиғонин.

Тиларлар ушшоқ аҳли мунаввар ўлса ёр васли,
Мунаввар ўлмади қай кун бошлади ҳаргиз исёнин.

Кўзим боғлиқ, тилим боғлиқ тиларман
раҳми раҳмонин,
Қачон ечиб занжирини етказгай раҳми раҳмонин.

Тиларман шом, чекарман ҳам мунаввар
этса ризвонин,
Мунавварлик кўрса Ўктам етургай кўкка афғонин.

Ўктам ҲАКИМАЛИ

«БЕШ ҚИСМАТ» ТАҚДИМОТИ

Республика Киночилар уйида Машраб Кимсанов режиссёрлик қилган "Беш қисмат" бадиий фильмининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Нега фильм "Беш қисмат" деб номланганлигини фильмни томоша қилган инсон дарров тушуниб олади. Беш ака-уканинг тўққиз опа-сингилдан бештаси билан тасодифлар туфайли учрашиб қолиши ва охир-оқибат бу тўй билан якунланиши фильмда очиб берилган.

Ролларни халқимизнинг севимли актёрлари билан бир қаторда эл суйган хонандалар ҳам ижро этишган. Ўғиллар ролини Собиржон Мўминов, Нодир Лутфуллаев, Жаҳонгир Отажонов, Отабек Мадраҳимовлар талқин этган бўлсалар, қизларни Дилфуза Раҳимова, Раъно Қамбариддиновалар ишонарли тарзда очиб бера олганлар.

Бу фильмнинг тасвирчиси Акмал Умаров, продюссер "Ҳамроҳ" студияси раҳбари Улуғбек Зуфаров.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, "Оналар ва болалар йили"га бағишланган бу фильмда 30 нафардан ортиқ ёшлар илк роллари билан иштирок этишди. Уларнинг энг кичиги фильмда Ўғилой образини яратган қизалоқ Муқаддасхон Саъдуллаевадир. Муқаддас машҳур санъаткорлар Лутфилла Саъдуллаев ва Гулчеҳра Саъдуллаеваларнинг кенжа фарзанди.

Фильм ҳақидаги батафсил маълумотларни келгуси сонларимиздан бирида эълон қиламиз.

МУХБИРИМИЗ

МЕЪЁР БИЛМАС ЎЙИНЛАР

ёки бобосини ўлдирган невара

Қарта, нарда, бильярд — одамни бир зумда ўзига жалб қиладиган кўҳна ва ҳамиша янги ўйинлар. Ҳар нарсанинг меъёри яхши. Аммо ўйин жозибаси...

Катталар-ку катталар, болаларнинг ушбу кўнгилочар ўйинларга ўрганишлари ёмон. Чунки бола ёки ўсмир меъёр тушунчасини ҳали тўла англамаган, масъулият туйғуси етарлича шаклланмаган бўлади. Бундай ўйинларга ўрганиб қолиш, унинг хумори боладаги барча эзгу хислатларни аста-секин емира бошлайди.

Қуйидаги ҳикоя ана шундай кўйга тушиб қолган бир ўсмир ҳақида.

* * *

Тешик қулоқ: ҳар куни ҳар хил хабар эшитамиз. Яхши гапдан суюниб, ёмонидан куюнади одам. Элулус байрам тараддудида юрган 31 декабрь куни шаҳарда гап тарқалди:

— Эшитдингизми, Машарип ота вафот этибди.

Юзига фотиҳа тортган одам борки, бир сўраб олади:

— Қайси Машарип?

— Анави, одамларга процентга пул берадиган Машарип ота бор эди-ку, қўшниси Света билан никоҳсиз яшаб юрадиган, ўша...

Жавоб сўровчини қониқтиради. Бошлар чайқалади, негалигини билиб бўлмайди.

— ... Ўлдириб кетишибди бечорани.

— Нега?

Марҳумни кетидан ёмонлаш ёлғон гапириш, фол очиш каби дуруст эмаслигини англаса-да, сўзловчининг сўзлаш иштиёқи устун келиб, ваҳимали ҳикоясини бошлайди...

... "Қиш" — шовуллаб чиқади тишнинг орасидан. "Ш-ш-ш" дея шамолга тақлид қиларкан, кишининг эти жунжикиб кетади баъзан. Аслида бу совуқлар одамзотга писанд эмас. Эшитганда эт жунжикиб кетадиган ҳодисалардан ўзи асрасин. Аммо тақдирда бўлса...

Ярим тун, жами жонзот уйқуда бўлишига қарамай ўзини дарвозага урган қўлаганинг кўзи ёнади. Дарвоза берк, эшик ҳам қулф. Қизиқ, кунда келиб юрадиган ҳовлисига қароқчилардай девордан ошиб тушади энди.

Ҳаётда ким яхши яшашни истамайди дейсиз? Одамларнинг эртадан кечгача куймаланиши бекоргами? Фаровон турмушга эришиш пулни шақирлатиб санашдай осон иш эмас. Бу йўлнинг паст-баланди, ўзига яраша тўсиқлари бор. Бу тўсиқлардан ўтишга хоҳиши йўқ қўлага мақсадга девор ошиб етиш мумкин деб ўйлади.

Пусиб келиб айвон деразасини итариб кўрди — берк. Кейингисининг зулфи илинмаган экан. Итарганида бир томони очилиб кетиб, деразада турган тикув машинасига тегди. Тарақлаган товушдан афсуслана бошлаган эди ҳамки, ичкаридаги хонанинг чироғи ёниб, эшикда чол кўринди.

Чолнинг кампири қазо қилиб, қизларини турмушга чиқариб, ўғлини уйлантирганию ҳовлида ёлғиз яшаши кўлагага аён эди. Эҳ-ҳе, унга яна кўп нарсалар аён...

Чол қўлида фонар билан ташқарини кузатди. Бориб оғилнинг эшигини, ҳожатхонани, бурчакларни текшириб кўрди. Бу вақтда кўлага қандай қилиб ошхонага кириб қолганини ўзи ҳам билмайди.

Одамлар умр бўйи ёруғликка интилсалар, у зулмат қўйнида тиззасини қучоқлаб ўтираркан, бу дақиқалар узоқ, жуда узоқ давом этишини истар эди. Шу пайт нимадир чирқ этди. Электр чироғи хонани чароғон қилдию, остонада турган чолнинг тунд юзи янада тундлашди: у кўлагани таниган эди...

Машарип ота сўкиниб невараси томон югурди. Бобо неварани шунчаки қойиб қўймоқчи, нари борса бир-икки шапалоқ урмоқчи бўлгандир. Ахир, унинг уйдан пул-мул ўғирлаб туриши, пул топилмаса майда-чуйда буюмларни сотиб юборaётганини билади-ку.

Искандар эса стол устидаги пичоққа ёпишди. Кейин чолнинг баданига тиқиб олди, ҳатто дарвоза томонга қочганида ортидан етиб бориб, яна тиқди, тиқаверди...

Қизиқ, бир отанинг болаларию укаси Валининг қонни кўрса кўнгли айнийди, у бўлса совуққонлик билан ваннахонага бориб, юз-қўлини ювди. Меҳмонхонага ўтиб, ўзи билган жойдан калитни олиб, шкафни очди. Кўзига чўғдек кўринган таниш портфелдаги 167 минг сўм пулни олди. Шкафдаги бир жуфт янги туфли ҳам эътиборидан четда қолмади.

Шу кеча такси тутиб, катта шаҳардаги темирйўл вокзалига йўл олди. Эртасига одамлар, онаси, ака-укаси Машарип отаникига азага йиғилганида у шаҳардаги ўйинхонада компьютер ўйнаб ўтирарди.

Жиноят изини чувалаштириб, тутқич бермай кетган қотиллар ҳақида детектив китобларда кўп ўқигансиз. Бироқ ҳаётда бунақаси камдан-кам бўлади. Юқорида ҳикоя қилиниб қидирилаётган Искандар Хўжаевни излаб укаси Вали ва участка нозири у доимий танда қўйиб олган жойга борганларида, Искандар бутун фикри-ёди билан компьютерга шўнғиган эди.

Дастлабки сўроқдаёқ айбига иқрор бўлди.

Суднинг ҳукми билан 1983 йили туғилган, тарбияси оғир ўсмирлар рўйхатида турувчи И.Хўжаев Жиноят кодексининг қатор бандлари билан айбли деб топилиб, 13 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Мамлакатимизнинг узоқ вилоятларидан бирида, ўрта-махсус ўқув юртида таҳсил олаётган ўсмир шундай оғир жиноятга қўл урди. У дарсга деярли бормас, вақтини ва пулини компьютер ўйинларига сарфлар, ҳаётининг мазмунига айланиб қолган эди бу ўйин...

Узун қиш кечаларини қарта, нарда ўйинлари билан, куннинг энг муҳим пайтларини бильярдхоналарда ўтказаётган кишилар теварак-атрофга, фарзандларига бир қараб қўйсалар, ёмон бўлмас эди...

Ma'rifatsiz kishilar

Ҳусан НИШОНОВ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси Тошкент вилоят педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ректори Э.Сатторовга отаси **НИЁЗМАТ отанинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

"Маърифат" газетаси жамоаси таҳририят ходими Дилбар Ҳужаевага умр йўлдоши **Толиб МИРЗАЖОНОВ** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси ва Тошкент вилоят педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти жамоаси, институт ректори Эркин Сатторовга отаси **Ниёзмат ота САТТОРОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.
Газета материаллари «Ma'rifat-Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

Навбатчи муҳаррир: Аҳмад ОТАБОЕВ,
Навбатчи: Ҳусан НИШОНОВ.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йилда рўйхатга олинган.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-3017. Г. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 20.00.